



**Р.С.Собиров**

*Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ва кичик ҳажмли  
кема ҳайдовчиларини тайёрлаш кафедраси ўқитувчиси*

## **КУЧЛИ ЗИЛЗИЛА БИЛАН БОҒЛИҚ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ**

**Аннотация:** *Мақсур мақолада кучли zilzila билан боғлиқ фавқулудда вазиятларни бартараф этиш бўйича маълумотлар ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлмаган аҳолини кучли zilzila билан боғлиқ фавқулудда вазиятлардан муҳофазаланишга тайёрлаш ва экстремал ҳолатларда аниқ ва тезкор ҳаракатланиш, шу билан бирга улар билан тегишли тайёргарлик ишларини олиб бориш борасида тавсиялар ёритилган.*

**Калит сўзлар:** *кучли zilzilalar, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, маҳалла фуқаро муҳофазаси, фавқулудда вазиятлар, аҳоли ва ҳудудлар.*

Дунёда содир бўлган йирик фавқулудда вазиятлар таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг орасида кучли zilzilalar ўзининг оғир оқибатлари билан ажралиб туради. Вақт танламайдиган бу офат бир неча сония ичида юзлаб, минглаб инсонларнинг қурбон бўлишига ва жуда катта миқдордаги иқтисодий зарарга олиб келиши мумкин. Зилзила билан боғлиқ фавқулудда вазиятлар нафақат инсонга, балки жамиятга, давлатга ва бутун борлиққа таҳдид солади. Шу сабабли, zilzila билан боғлиқ фавқулудда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини камайтириш тадбирлари нафақат жисмоний шахслар, балки давлат ҳамда бутун дунё ҳамжамиятини қизиқтирадиган, хал қилиш зарур бўлган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон ҳудудининг 70-80 % сейсмик фаол зонада жойлашган бўлиб, бундай хавфли ҳудудларда истиқомат қиладиган фуқаро zilzila табиатини, унинг намоён бўлиш ва тарқалиш қонуниятларини билиши, унинг талофатларини камайтириш бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаш кўникмасига эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Табиий офатлар орасида энг кўп зарар келтирадигани кучли zilzila ҳисобланади. Одатда кучли zilzilalar одамларни ўлдирмайди, балки улар томонидан индивидуал қурилган антисейсмик бино ва иншоотлар, амалга оширилган нотўғри хатти-ҳаракатлар фожияга сабаб бўлиши мумкин. Ҳалокатли ва кучли zilzilalar юз минглаб одамларнинг қурбон бўлишига,



## **"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"**

иморат ва иншоотларнинг вайрон бўлишига, ёнғинлар ва турли техноген аварияларга олиб келиши мумкинлиги тарихий манбалардан маълум.

Аҳолининг барча қатламларида, шу жумладан, маҳалла аҳолиси ўртасида тарғибот ишларини жадаллаштириш, шунинг асносида МФЙ раислари масъулиятини оширишни тақазо этади.

Фавкулудда шароитларда аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, йирик кўламдаги табиий офатлар ва техноген ҳалокатларда аҳоли ва ҳудудларнинг тезкор муҳофазасини таъминлашда малакали тузилмаларни ташкил этиш ва уларни тайёр ҳолда сақлаш ишлари етарли даражада эмас.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлмаган аҳолини кучли зилзила билан боғлиқ фавкулудда вазиятлардан муҳофазаланишга тайёрлашда маҳалла аҳолисининг маънавий ва руҳий ҳолати катта аҳамиятга эга бўлиб, ўзлари яшайдиган ҳудудда юзага келиши мумкин бўлган фавкулудда вазиятларнинг оқибатлари тўғрисида тасавурга эга бўлиши, экстремал ҳолатларда аниқ ва тезкор ҳаракатланиши улар билан тегишли тайёргарлик ишларини ошириш билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил

21 августдаги “Аҳолининг фавкулудда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёргарлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 650-сонли Қарори қабул қилинган. Қарорида Маҳалла – ноёб, бетакрор ижтимоий бошқарув идорасидир деб қайд этилган.

Ушбу қарорнинг 1-илоvasида “Маҳалла фуқаро муҳофазаси” маҳаллий фуқаро муҳофазаси тизими тўғрисида Низом мавжуд.

Мазкур Низом “Маҳалла фуқаро муҳофазаси” маҳаллий фуқаро муҳофазаси тизимининг асосий мақсадлари ва вазифалари, принциплари, тузилиши ва фаолият юритиши тартибини, куч ва воситаларини, аъзоларини ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларининг банд бўлмаган аҳолисини фавкулудда вазиятларда ҳаракат қилишга ўқитиш ва тайёргарликдан ўтказиш тартибини белгилайди.

“Маҳалла фуқаро муҳофазаси” ташкил этилиши ва фаолияти юзасидан масъулият Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шунингдек туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига юкланади.

“Маҳалла фуқаро муҳофазаси”нинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотларга фуқаролар йиғинлари даражасида фуқаро муҳофазаси ва фавқулодда вазиятларга тайёргарликка доир вазифаларни бажаришда кўмаклашиш;

аҳолини фавқулодда вазиятлар оқибатида юзага келадиган хавф-хатарлардан ҳимояланиш усулларига ўқитиш ва тайёрлаш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тадбирларига аҳолини ихтиёрий равишда жалб қилишга кўмаклашиш;

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишда иштирок этиши;

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги вазифаларни ҳал қилишда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига ва бошқа ташкилотларга кўмаклашади;

фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирларига фуқароларни жалб этади;

аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

“Маҳалла фуқаро муҳофазаси” ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ куйидаги функцияларни амалга оширади:

а) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотларга фуқаролар йиғинлари даражасида фуқаро муҳофазаси ва фавқулодда вазиятларга тайёргарликка доир вазифаларни бажаришда кўмаклашиш соҳасида:

қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни бажаришга мўлжалланган йиғма гуруҳни тузади, таъминоти ва фаолиятини ташкиллаштиради;

ўз фуқаролар йиғинлари ҳудудида фавқулодда вазиятлар даврида фойдаланиш учун мўлжалланган моддий, тиббий ва бошқа ресурслар захираларини яратади ҳамда уларнинг сақланишини таъминлайди;

аҳолини, моддий ва маданий бойликларни хавфсиз ҳудудлар (жойлар)га эвакуация қилишга тайёрлаш бўйича тадбирларни амалга оширишда кўмаклашади;

шахсий ҳимоя воситаларини қабул қилади ва аҳолига тарқатади;

тегишли ҳудудда оммавий тадбирларни ўтказиш даврида ва фавқулодда вазиятлар юзага келганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат тартибини сақлашда ёрдам кўрсатади;



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

аҳолига хабар бериш ва маълумот (ахборот) етказиш автоматлаштирилган тизимининг терминал комплексларининг доимий тайёр ҳолатда сақланишини таъминлашда иштирок этади;

санитария-гигиена ва эпидемияга қарши, шунингдек одамлар ва ҳайвонлар ўртасида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш тадбирларида иштирок этади;

тегишли фуқаролар йиғини ҳудудида жорий этилган фавқулодда вазият режимини сақлаб туришда ва фуқаро муҳофазаси тадбирларини ўтказишда иштирок этади;

б) аҳолини фавқулодда вазиятлар оқибатида юзага келадиган хавф-хатарлардан ҳимояланиш усулларига ўқитиш ва тайёрлаш соҳасида:

ўқув-маслаҳат пунктларининг самарали фаолиятини ташкиллаштиради ва таъминлайди;

маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси билан тизимли равишда фавқулодда вазиятларда, шунингдек ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавф-хатарлардан муҳофазаланиш усуллари бўйича суҳбатлар ва машғулотлар ўтказишда;

кўмондонлик-штаб ва тактик-махсус ўқув машқларини ўтказишда иштирок этади;

в) фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тадбирларига аҳолини ихтиёрий равишда жалб қилишга кўмаклашиш соҳасида:

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш тадбирларига жалб этиш мақсадида аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширади;

маҳалла фуқаролар йиғини ўқув-маслаҳат пунктларида тайёргарликдан ўтган аҳоли рўйхатини шакллантиради.

Кучли zilзила оқибатида турар жой бинолари, коммуникация тармоқлари жиддий шикастланиши мумкин. Иншоотларнинг шикастланиш даражаси zilзила кучига, гипоцентр ва эпицентргача бўлган масофага, zilзила ўчоғининг чуқурлигига, жойларнинг муҳандис-геологик шароитига, бино ва иншоотларнинг турига, йил фаслларига, метеорологик шароитга ва бошқаларга боғлиқ. Қурбонлар сони эса одамларнинг zilзиллага тайёргарлик даражасига, коммунал тармоқ (электр, газ, оғир транспорт воситалари ва бошқ.)ларнинг автоматик тарзда тезда ўчирилишига боғлиқ.

Турар жой масканлари табиий шароити, жинсларнинг физик-кимёвий хусусияти, биноларнинг лойиҳа чизмалари, катъий ҳисоб-китоблар асосида



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

чуқур ўрганиб чиқилгандан сўнг қурилишга рухсат берилади. Афсуски, умумий яшаш қоидалари бинолар аҳолига топширилгандан сўнг қўпол равишда бузилади. Ҳеч кимга сир эмаски, уйга эга бўлишимиз биланок ўзимизнинг шахсий эҳтиёжимиздан келиб чиққан ҳолда хоналарни ўзгартиришга берилиб кетамиз, кўшимча айвонлар соламиз, гўё ортиқча туюлган деворлар, бурчаклар олиб ташланади, иккита хона биттага айлантирилади. Бундай ҳолатга қатъиян чек қўйиш лозим. Акс ҳолда, бино заиф бўлиб қолишига, унинг турли офатларга, ер деформацияланишига бардошлилиги камайиб кетишига сабабчи бўламиз. Оқибати нималарга олиб келиши барчага аён. Бунинг учун уй-жойлардан фойдаланиш қоидаларини, уй тақсимотидан олдин ҳар бир яшовчининг ёшини ва ижтимоий савиясини инобатга олган ҳолда тушунтириш ишларига жалб қилиб, ўзбилармончилик билан иш юритишига йўл қўймаслик керак. Кўп қаватли биноларнинг ўзига яраша хусусияти, сейсмик белбоғлари, хавфсиз бурчаклари каерда жойлашганлиги тўғрисидаги эслатмаларни ҳар бир хонадон соҳиби билиши зарур. Табиий офатлар тўғрисида, хусусан, зилзила ва ундан муҳофазаланиш ҳақидаги тасаввурга ва билимга мактаб ўқувчисидан тортиб раҳбар ходимларгача эга бўлиши керак.

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолининг барча қатламини, шу билан бирга "Маҳалла фуқаро муҳофазаси"нинг бошқарув органлари ва кучларини ҳамда банд бўлмаган аҳолини фавқулодда вазиятлар даврида ҳаракатланишга тайёрлашнинг таъсирчан ва самарали механизмини яратиш, амалдаги мавжуд тизимни янада такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

мамлакатимизда сейсмик хавфсизликни таъминлаш, давлат ва хўжалик бошқарув органларини тегишли функция ҳамда мажбуриятларини, жавобгарлигини ўз ичига олган аҳолининг барча қатламини зилзиладан олдин, зилзила вақтида ва ундан кейин тўғри ҳаракатланишга ўргатиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган норматив ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

маҳаллаларда аҳолини ва ҳудудларни зилзила ёки ёнғин билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан самарали муҳофазалаш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини минималлаштириш муаммоларини илмий жиҳатдан ҳал этишга қаратилган амалий ва инновацион илмий-техник лойиҳаларни шакллантириш ва натижаларини амалиётга жорий этиш чораларини кўриш;

республиканинг олис, энг чекка ва сейсмик жиҳатдан фаол ҳудудларида истиқомат қиладиган маҳалла аҳолининг барча қатламини зилзила вақтида



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

тўғри ҳаракатланишга амалий ўргатиш учун мобиль зилзила симуляторларидан фойдаланишни жорий этиш ва интерактив мобиль иловалардан фойдаланишни йўлга қўйиш;

маҳалла фуқароларни зилзила вақтида тўғри ҳаракатланишга тайёрлашни назарий ва амалий ўргатиш қамровини ошириш мақсадида жойлардаги рақамли телевидения имкониятларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш, хусусан махсус даврий кўрсатувлар ташкил этиш ҳамда мунтазам эфирга узатиб боришни таъминлаш;

зилзила ёки ёнғин содир бўлган вақтда маҳалла аҳолининг барча қатлами кўрқув ва ваҳимага тушмасдан ўзини тута олиши, амалий тўғри ҳаракатланиш қоидалари тўғрисида катталар учун ҳужжатли фильмлар, болалар учун эса мультфильмлар тайёрлаш ҳамда мунтазам равишда эфирда намойиш этиб борилишини йўлга қўйиш.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. 2021 йил 14 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида” ги Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 17 августдаги “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида” ги 790-сонли Қонуни.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ 144-сонли Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4794 сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 июлдаги “Аҳолини зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда (табиий ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёрлаш комплекс дастурини тасдиқлаш тўғрисида” 208 – сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 августдаги “Аҳолининг фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга



## **"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"**

тайёргарлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 650-сонли Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 сентябрдаги "Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 754-сонли Қарори.

8. Фуқаролар учун зилзила вақтида тегишли ҳаракат ва тадбирларни амалга ошириш. Услубий қўлланма. Тузувчилар: Хайдаров Р.Х., Курбанов Б.Ю., Ширинов К.Ж. – Тошкент: ФМИ, 2021 – 85б.

9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг 2022 йил 11 январдаги 1-сонли буйруғи.